***Президентимизнинг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармонида ҳамда "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва бошқа қатор ҳуқуқий ҳужжатларда гематология ва қон хизматини ривожлантириш ҳамда ушбу йўлдаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш соғлиқни сақлаш тизимининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган. 2002 йилнинг 30 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган "Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида"ги Қонун ҳам мамлакатимизда қон ҳамда унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади.***

# ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ

Парламент ҳаёти

Ана шу масалалар яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг конференциясида атрофлича таҳлил қилинди. Унда асосий эътибор инсон саломатлигида муҳим ўрин тутадиган гематология ва қон хизматини ривожлантириш, бу йўлдаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилди.

Айни пайтда донор, донор қони банки ва унинг хавфсизлиги бутун дунёда энг муҳим масалалардан саналади. У халқаро миқёсда стратегик аҳамиятга молик маҳсулот ҳисобланиб, қон ва унинг таркибий қисмлари мамлакат аҳолисининг миллий хавфсизлигини белгиловчи предметдир.

Айтиш жоизки, бугун юртимизда бу борада муайян ишлар бажарилмоқда. Жумладан, республикамизда аҳолини кенг кўламда донорликка жалб этиш, қон ва унинг таркиблари донорлигини ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқилган бўлиб, 14 та вазирлик, жамоат ташкилотлари ва фондлари мазкур дастур ижроси бўйича иш олиб бормоқда. Бундан ташқари, 2009-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикаси бўйича саъй-ҳаракатлар Миллий режаси бўйича Вазирлар Маҳкамасининг "ОИТС марказлари ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1-сонли қарорида посттрансфузион ОИВ инфекциясининг профилактикаси учун беғараз донорликни ривожлантириш зарурлиги кўрсатилган.

Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида беғараз донорликни ривожлантириш Дастури бўйича 2008 йилда Тошкент шаҳрида муайян ишлар қилинди. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, республикада қон хизмати ривожланишида ижобий ўзгаришлар кузатилаётир. Қолаверса, ҳукуматимиз 2004 йили қон хавфсизлиги Миллий дастурини яратиш ва олтита ҳудудий марказларни асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун Осиё тараққиёт банки билан ўзаро келишувни имзолади. Унга асосан, 7,166 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди.

Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги хизматини юксак савияда йўлга қўйиш, ўз навбатида, ушбу соҳани мукаммал биладиган мутахассисларга ҳам боғлиқ. Мазкур вазият Республикамиз бўйича таҳлил қилинганда, Жиззах, Сирдарё, Навоий вилоятларида врач гематологлар билан таъминлаш даражаси пастлиги аниқланди. Масалан, охирги йиллар мобайнида Сирдарё, Жиззах вилоятларида бирорта болалар гематологи тайёрланмаган.

Қўмитамиз ишчи гуруҳининг жойлардаги текширувлари натижасида аён бўлдики, асосий лаборатория ускуналари эскирган ва ишга яроқли эмас. Шу сабабли, баъзи вилоятларда умумий қон таҳлилларини аниқлашда қатор хатоликларга йўл қўйилаётир. Оқибатда гематологик беморларнинг диагностика мақсадида вилоятлардан пойтахтга келишлари кўп кузатилмоқда.

Ҳозирда донор қони орқали ўтиши мумкин бўлган жуда хавфли тўрт хил касаллик — гепатит С ва В, ОИТС, сифилис рўйхатга олинган. Шунингдек, ҳар хил герпес вируслар, инсон организмида касаллик тарқатадиган 29 тадан ортиқ вируслар мавжуд. Яна шундай беморлар борки, улар сирасига доимий қон қуйиш талаб этиладиган гемофилия касаллиги билан хасталанган болалар киради. Гап инсон саломатлиги хусусида борар экан, қон ва унинг таркибларини қуйиш пайтида, албатта, қонун талабларига риоя қилиш зарур.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, 2008 йилда Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтининг моддий техник база, дори-дармон ва қон препаратлари билан таъминланиши, мутахассислар савиясининг бирмунча яхшиланиши диагностик-даволаш кўрсаткичларида ўз аксини топди. Шунга қарамай, беморларни цитостатик, криопреципитат қон препаратлари билан таъминлашни янада яхшилаш лозим. Гемофил билан оғриган беморларнинг аҳволи ҳам қониқарли эмас. Бундай беморларни даволашда қўлланиладиган асосий препарат — криопреципитат билан таъминланиш даражасидан қониқиш ҳосил қилиб бўлмайди.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий шароитни инобатга олиб ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тамойилларига асосан, донорликни ташкил қилишда эркин ва беғараз донорликни ривожлантириш, донорликни маънавий рағбатлантириш йўлларини излаш лозим. Донорликни тарғиб этиш жараёнига нодавлат ташкилотлар, жамоат ва тиббиёт ташкилотлари жалб қилиниши керак. Бу жараёнда халқаро тажрибалардан фойдаланиб, хорижий мутахассисларни донорликни тарғиб қилиш учун маҳаллий кадрларни тайёрлашга ва Ўзбекистон Республикаси учун мос йўналишни ишлаб чиқишга сафарбар қилиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, қон хизматини ислоҳ қилиш, қон хавфсизлиги миллий дастурини яратиш, беғараз донорларни жалб қилиш, донорлар қонини текшириш, сифатли қон компонентлари ишлаб чиқариш ва уларни тўғри қўллаш масалалари бугуннинг кечиктирмасдан ҳал қилиниши зарур бўлган масалалари сирасига киради.

**Шарифа САЛИМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ — РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мутахассисларнинг фикрича, кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш — мураккаб жараён. Бу юқори билим ва профессионал малакани талаб этади. Чунки ишлаб чиқариш жараёнлари тўлиқ компьютерлар орқали бошқарилади. Президентимизнинг 2005 йил 13 апрелдаги қарорига кўра, завод қошида Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртқи бўлимини очишдан кўзланган мақсад ҳам ушбу мураккаб жараёнларни бемалол бошқара оладиган кадрларни етказиб беришдан иборатдир. Завод ҳовлисида жойлашган мазкур сиртқи бўлим замонавий компьютерлар, лаборатория жиҳозлари ва бошқа зарур ускуналар билан таъминланган. Бўлғуси мутахассисларга эса етук профессор-ўқитувчилар таълим беришаяпти.

Бу йил сиртқи бўлимни тамомлаган 52 нафар ёш мутахассис айни пайтда ишлаб чиқариш жараёнига фаол киришиб кетгани қувонарлидир.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, ушбу давр мобайнида аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ва бандлигини таъминлаш ишлари прокурор назоратининг доимий диққат марказида бўлди. Янги иш ўринлари яратиш, фуқароларни, айниқса, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича қонун талаблари бажарилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилиб, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши йўлидаги маъмурий тўсиқлар ва бюрократия ҳолатларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишнинг зарурий чоралари кўрилди.

Шунингдек, мажлисда фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси, соғлиғини сақлаш ҳамда шу каби бошқа ҳуқуқларининг кафолатланишига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан айрим вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги қайд этилди. Бу соҳада назоратни янада кучайтириш ва мутасадди идоралар томонидан йўл қўйилаётган қонунбузилишларнинг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаб, амалга ошириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижроси, хусусан, қишлоқларни ободонлаштириш, ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги экинзорларидан мақсадли ва қонуний фойдаланиш, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқий ҳимоясига оид қонунлар ижросини таъминлаш ишларини янада фаоллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Тадбирда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан соҳадаги жиноятларни аниқлашда тезкор имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, яширин иқтисодий фаолиятга қарши курашишни кучайтириш лозимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди. Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолияти мувофиқлаштирилиб, улар ўртасида ҳамкорлик мустаҳкамланаётганлиги ҳам баён этилди.

Ҳайъат мажлисида прокуратура органлари томонидан қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунлар ижросини назорат қилиш фаолиятини янада яхшилашга қаратилган қарор қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Бош прокуратураси**
**матбуот хизмати.**

# ИЖОДКОР ЁШЛАР МУЛОҚОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш, ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ёшлар маънавиятини шакллантириш, уларда бадиий адабиётга меҳр уйғотиш, ёш авлод онгу шуурига адабиёт орқали миллий қадриятларимизни янада чуқурроқ сингдириш, юртга муҳаббат ва садоқат туйғусини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу жараёнда давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Халқимизнинг урф-одатлари ва миллий қадриятларини, бой тарихимизни чуқур ўрганиш маънавий юксалиш омили ҳисобланади. Мана шундай фазилатга эга ижодкор ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётгани эътиборга моликдир. Давра суҳбатида шу ҳақда атрофлича сўз юритилди.

— Биз, ёшларнинг фан, маданият, санъат ва бошқа йўналишларда ўз иқтидоримизни намоён этишимиз учун барча имкониятлар яратилган, — дейди Термиз туманидаги 5-мактаб ўқувчиси Умида Сувонова. — Мени Ватанимизнинг бой тарихи, миллий қадрият ва анъаналаримиз, юртимизнинг гўзал табиати ўзига мафтун этади. Ҳозиргача ушбу мавзулардаги шеърларим икки тўплам шаклида нашр этилди. Ниятим, келгусида озод ва обод юртимиз тараққиёти учун хизмат қиладиган ижодкорлар сафида бўлишдир.

Давра суҳбатида ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, навқирон авлод вакиллари ўртасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш масалалари бўйича фикр алмашилди.

**Х. МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Маҳаллийлаштириш дастури — амалда

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

***"Қарширадиатор" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, чет эллик сармоядорлар учун яратилган қулай инвестициявий муҳит натижасида вужудга келган корхоналардан биридир. Ўз фаолиятини автомобиль радиаторларини таъмирлашдан бошлаган мазкур корхонанинг салоҳияти кундан-кунга ортиб бормоқда.***

Гап шундаки, бу ерда ўтган қисқа вақт ичида дизель ёнилғиси билан ишлайдиган барча турдаги техникалар учун радиаторлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. "МТЗ", "ЮМЗ", "Т-4", "ДТ-75", "ВТ-150", "Магнум" тракторлари, "Кейс", "Клаас" комбайнлари, "КрАЗ", "Зил", "МАЗ" юк ташиш автомобиллари, шунингдек, "Мерседес" автобуслари шулар жумласидандир.

Жамоанинг изланишлари туфайли яқинда Японияда ишлаб чиқарилган "Камацу" русумли бульдозерлар учун ҳам радиаторлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Эътиборлиси, илгари бутловчи қисмларнинг 20 фоизи ўзимизда тайёрланган бўлса, Маҳаллийлаштириш дастури шарофати билан бу кўрсаткич 55 фоизга етказилди. Энг муҳими, маҳсулотларнинг сифати юқори, нархи эса арзон бўлиши таъминланмоқда.



**СУРАТДА:** қўшма корхона фаолиятидан лавҳа.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

# Алоқа хизмати яхшиланди

Кулайлик

***Фарғона вилоятининг бир қатор шаҳар ва туманлари аҳолиси замонавий алоқа хизматидан фойдалана бошладилар.***

Айниқса, вилоятнинг тоғолди туманлари қишлоқларида амалга оширилган ишлар диққатга сазовор.

— Туманда 13 та бўлим мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси замонавий телекоммуникация воситалари билан жиҳозланган, Интернет тизимига уланган, — дейди Фарғона тумани телекоммуникациялар боғланмаси бошлиғи Р. Исмоилов. — Бугунги кунда туман аҳолиси уй телефонларидан шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларни муаммоларсиз амалга оширишлари мумкин.

Қишлоқ АТСларининг яна бир афзаллиги шундаки, бу ерда бир қатор замонавий қўшимча хизматлар ҳам жорий этилган.

**М. МАҲМУДОВ.**

***Бугунги кунда атмосферанинг ифлосланиши билан боғлиқ экологик муаммолар глобал характердаги таҳдидлардан бирига айланди. Табиий захиралардан хўжасизларча фойдаланиш оқибатида ер усти ва ер ости ресурсларининг камайиши, озон қатламининг емирилиши, иқлим ўзгариши, биохилма-хилликнинг камайиб бориши, ишлаб чиқариш чиқиндиларининг атроф ва инсон саломатлигига салбий таъсири шулар жумласидандир. Албатта, бу муаммолар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмайди.***

# ЧИҚИНДИ ҲАМ ДАРОМАД МАНБАИ

Экология

Дунё бўйича ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол ҳажмининг ортиши атроф-муҳитни асраш, табиий ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш ҳамда тоза технологияларни амалда қўллаш каби масалаларнинг ечимини тезроқ ҳал қилишни талаб этмоқда.

Чиқиндилар масаласи бизнинг мамлакатимизга ҳам хос бўлган экологик муаммолардан биридир. Мутахассислар келтираётган маълумотларга кўра, Тошкент шаҳрида яшаётган ҳар бир фуқарога бир кунда икки килограмм маиший чиқинди тўғри келади. Ўзбекистон миқёсида эса бир йилда 100 млн. тонна атрофида саноат чиқиндиси, 30 млн. куб метр маиший чиқинди ҳосил бўлади. Бир томондан чиқиндини йиғиш ва ташишнинг муаммо эканлигини, иккинчи томондан қарийб 2 минг гектарлик майдонни эгаллаб ётган 160 та чиқинди тўплаш жойларининг аксарияти талабга жавоб бермаслиги сабабли чиқиндиларнинг атиги 5 млн. куб метрдан ошиқроғи кўмилади. Эътиборлиси, мазкур чиқиндиларнинг асосий қисмини қайта ишлаш мумкин. Чиқиндилар таркиби ўрганилганда, унинг 5-10 фоизи қоғоз, 20-45 фоизи озиқ-овқат, 5-10 фоизи ёғоч, 3 фоизи металл, 5-10 фоизи газлама, 2 фоизи чарм ва резина, 4 фоизи шиша ҳамда пластмасса маҳсулотларига тўғри келади.

14 фоиздан ошиғи заҳарли бўлган саноат чиқиндилари борасида ҳам ечимини кутаётган муаммолар йўқ эмас. Уларнинг асосий қисмини ташкил этадиган ушбу турдаги чиқиндиларнинг атиги 0,2 фоизи иккиламчи ресурс сифатида ишлаб чиқаришга қайтарилади, қолганлари эса кўпинча етарли даражада ҳимояланмаган чиқиндихоналарга ташланади.

Лекин масаланинг муҳим жиҳати чиқиндиларнинг миқдори ёки ҳажмида эмас, балки уларнинг нечоғли бошқарилаётгани (йиғиб олиш, ташиш, тўплаш, зарарсизлантириш ва қайта ишлаш)га боғлиқ.

Таъкидлаш керакки, чиқинди билан шуғулланишда Тошкент шаҳридаги вазиятга алоҳида эътибор қаратиш керак. Бинобарин, пойтахтда бу борада амалга оширилган ишлар, яъни ташиш, тўплаш, зарарсизлантириш ва қайта ишлаш республикамизнинг бошқа минтақаларига нисбатан анча намунали йўлга қўйилган. Вилоятларнинг айрим жойларида эса кўпинча чиқинди йиғиш пунктлари узоқ бўлгани учун одамлар тўғри келган жойдан "чиқиндихона"лар ташкил этадилар.

2002 йили "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонун қабул қилингандан кейин бу соҳада ҳам муайян ўзгаришлар юз берди. Яъни, "Ифлос қилдингми, тўла" қоидасига амал қилина бошланди. Лекин тўлов миқдори камлиги боис чиқиндилардан фойдаланиш имконияти чекланмоқда. Мисол учун, маиший чиқитларни утилизация қилиш учун Тошкент шаҳрида ҳар бир оиладан йилига ўртача 10-12 минг сўм йиғиб олинади. Швецияда эса кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчилар 80 евро, ҳовлиларда яшовчилар эса 175 еврогача пул тўлайди.

Ўзбекистонда товарнинг депозит нархи деган тушунча йўқ. Европа мамлакатларида эса алюмин идишга қадоқланган ичимлик харид қилаётган истеъмолчи унинг қайта ишланиши учун қўшимча 0,06 евро, шиша бутилкага эса 0,11 еврогача пул тўлаб қўяди.

Бундан ташқари, бизда ишлаб чиқарувчи на маҳсулотга, на унинг қадоқланишига мажбурият олади. Ривожланган мамлакатларда бўлса корхонага товарининг чиқиндисини йиғиб олиш, истеъмолчига маҳсулотдан фойдаланиш тўғрисида маълумот бериш ва қайта ишлаш мажбурияти юкланган. Демак, чиқиндиларни бошқаришда ҳам истеъмолчи ҳамда ишлаб чиқарувчи бирдай иштирок этиши лозим.

Чиқиндидан фойдаланишда жамоатчиликнинг хабардорлигини ошириш ҳам катта аҳамият касб этади. Афсуски, бизда ҳозирча чиқинди билан муомала қилиш кўникмасини қониқарли деб бўлмайди. Одамларда чиқиндига бўлган муносабатни ўзгартиришни маҳалладан бошлаш мақсадга мувофиқ. Хусусан, Германияда чиқинди йиғувчи ҳудудий корхоналар ахборотнома ва қўлланмалар тайёрлаб, аҳолига тарқатади. Улар томонидан қачон, қаерда чиқинди қабул қилиниши тўғрисидаги маълумотлар жамланган махсус брошюра-календарь ҳам чоп этилади.

Чиқиндиларни самарали бошқаришда миллий анъаналар ҳам қўл келади. Чунончи, одатда ўзбек хонадонларида эски нарсалар токи яроқсиз ҳолга келгунча ишлатилади. Бундан ташқари, асл қадриятларимиздан яна бири — ҳашарлар ҳам чиқинди муаммоси ечимида муҳим роль ўйнайди. Чунки ҳашар ҳам ҳудуднинг экологик ва санитар ҳолатини яхшилайди, ҳам чиқинди муаммосига жамоатчиликнинг эътиборини қаратади, шунингдек, одамларда яшаш жойларининг санитария ҳолатига нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш кўникмасини шакллантиради.

Бу тажрибалар чиқиндини нафақат бартараф этиш, балки уни фойда келтирадиган соҳага айлантириш мумкинлигидан далолат беради. Агарда чиқиндилардан оқилона фойдаланилса, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан ҳисобланган энергетика соҳасида қўшимча электр манбаи — биогаз ҳосил қилиш мумкин. Бугунги кунда бу соҳада ишлар бошлаб юборилган бўлиб, дастлабки ҳисобларга кўра, биогазнинг потенциали фақатгина чорвачилик чиқиндилари бўйича 8 млрд. метр кубдан ортиқ. Биомасса энергиясидан маҳаллий ўғит етарлича бўлган барча ҳудудларда фойдаланиш мумкин. Биогаз берувчи қурилмалар алоҳида хўжаликларни ёқилғи ва юқори самарали экологик тоза ўғитлар билан таъминлайди.

Бундай йўл билан олинган ўғитда озуқа моддалари одатдаги маҳаллий ўғитдагига нисбатан 15 фоизга ортади. Бундай ўғит ҳар қандай ерга, барча ўсимлик учун ҳар қандай вақтда ишлатилиши мумкин. Жаҳон тажрибасига кўра, бу каби ўғитдан фойдаланиш қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини бир неча баробаргача ошириш имконини беради.

Таъкидлаш керакки, биогаз қурилмаларини жорий этиш чорвачилик ва паррандачилик фермалари, уларнинг атрофидаги экологик муҳитни ҳам яхшилайди. Дунё тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, биогазнинг энергетика балансидаги улуши Австрияда — 12 фоиз, Швецияда — 18 фоиз, Финляндияда — 23 фоизни ташкил қилади. Биогаз қурилмаларидан фойдаланишда Хитой дунёда етакчилик қилмоқда.

Албатта, чиқиндиларни қайта ишлашни меъёр даражасида йўлга қўйиш кўп жиҳатдан соҳага сармоя киритилишига боғлиқ. Сармоя эса ҳуқуқий замин мукаммал бўлгандагина киритилади. Юқорида бир нечта меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганини айтиб ўтган эдик. Албатта, уларни мувофиқлаштиришни янада яхшилаш лозим. Шу маънода Вазирлар Маҳкамасининг "1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳаракат дастури тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар ҳамда 2002 йилда қабул қилинган Чиқиндилар тўғрисидаги Қонунни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш мақсадида Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда БМТ Тараққиёт дастури томонидан ҳаётга татбиқ этилган "Ўзбекистонда чиқиндиларни бошқариш" лойиҳаси муҳим аҳамиятга эга.

Лойиҳанинг асосий натижаси эса чиқиндилар муаммосини бартараф этишда стратегик йўналишларни аниқлаш ва амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштиришда асос бўлиб хизмат қилувчи "Миллий стратегия" ва "Ҳаракат режаси" ҳисобланади. Стратегия қаттиқ чиқиндилар ҳажмини мумкин қадар камайтириш, қайта ишлатиш ва иккиламчи қайта ишлаш, қарор қабул қилувчи масъул шахслар ҳамда ишлаб чиқариш соҳаси вакилларининг муносабатини кучайтиришга қаратилган бўлиб, бу нафақат она-табиатни муҳофазалаш, кишилар саломатлигини асрашни, балки чиқиндидан даромад олиш орқали халқ турмуш фаровонлигини таъминлашга, озми-кўпми, ҳисса қўшишни кўзда тутади.

**Абдураззоқ КАРИМОВ.**



Н. ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

# «ПАХТАКОР»ДА УЧРАШАМИЗ

***Президентимизнинг 2006 йил 1 майдаги "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилингач, бу соҳага эътибор янада кучайди. Жойлардаги профессионал футбол жамоаларининг моддий-техник базаси яхшиланмоқда. Оммавий ва болалар футболини ривожлантириш билан изчил шуғулланилмоқда. Ишқибозлар учун барча қулайликлар яратилган стадионлар бунёд этилаяпти.***

Хусусан, қайта реконструкция қилинган "Пахтакор" стадиони қулайликлари жиҳатидан нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки МДҲ ҳудудидаги энг замонавий, ноёб спорт мажмуаларидан бирига айланди. Стадион реконструкцияга қадар ўз бағрига 55 минг нафар ишқибозни сиғдириш имконига эга эди. Мухлислар, асосан, ёғоч ўриндиқларда ўтиришарди. Таъмирдан сўнг "Пахтакор"га томошабинлар учун қулай пластмасса ўриндиқлар ўрнатилди. Бугун стадиондаги беллашувларни 35 минг 800 томошабин бевосита кузатиш имкониятига эга. Жой сонини қисқартириш эвазига ишқибозлар учун шарт-шароитлар яхшиланди. Фахрий меҳмонлар ва матбуот ходимлари учун барча қулайликларга эга алоҳида секторлар бунёд этилди. Махсус секторларда матбуот ходимлари "wi-fi" интернет тизимидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишди. Эндиликда шу жойнинг ўзидан мусобақалар ҳақидаги шарҳларни таҳририятларга жўнатиш мумкин. Авваллари шарҳловчилар учун 2 та махсус хона мавжуд эди. Таъмирдан сўнг замонавий ускуналар билан жиҳозланган ана шундай 4 та хона спорт шарҳловчилари ихтиёрига берилаётир. Хоналарда бир вақтнинг ўзида 12 та шарҳловчи фаолият кўрсатиши мумкин. Илгари футбол баҳслари 6 та камера орқали тасвирга олинарди. Энди беллашувлар 20 та камера орқали тасвирга тушириладиган бўлди. Бу билан футбол кўрсатувларининг сифати ҳам яхшиланмоқда.

11x8,5 метр ўлчамдаги янги табло эса мухлисларга мусобақани ҳар томонлама кўриш имкониятини яратади. Таъкидлаш жоизки, худди шундай табло Пекинда ўтказилган XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари бош аренасига ҳам ўрнатилган эди. Маълумки, футбол ўйинлари, асосан, кечки пайт ўтказилади. Шунинг учун стадионнинг ёритқичлари ҳам яхши бўлиши керак. Стадионга "Филипс" фирмасининг ФИФА талабларига мос, 1200 люкс ёруғлик берадиган прожекторлари ўрнатилди.

"Пахтакор" марказий стадиони 27 гектарни ташкил этади. "Ёшлик" спорт мажмуаси ҳам стадион ҳудудида жойлашган. Ушбу мажмуада ҳам кенг кўламдаги таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бу ерда енгил атлетика, минифутбол, баскетбол, волейбол бўйича мусобақалар ўтказиш учун имконият яратилди.

Қисқача қилиб айтганда, мамлакатимизнинг бош аренаси — "Пахтакор" эндиликда бутунлай янги қиёфа касб этди. Ўтган йилнинг кузида 16 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионатининг финал қисми шу стадионда уюштирилди. Ўзбекистон кубогининг финал учрашувини ҳам минглаб ишқибозлар янги таъмирдан чиқарилган стадионда томоша қилдилар.

Президентимиз ўтган йилнинг август ойида пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш чоғида "Пахтакор" марказий стадионини ҳам келиб кўрган, бу ерда яратилган шароитлар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдириб, тегишли топшириқларни берган эдилар. Стадион атрофидаги инфратузилмани ривожлантиришда ана шу кўрсатмалар биз учун дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Бу йил икки қутлуғ байрам — Мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини катта тантана билан нишонлаймиз. Бу ҳам мустақиллик шарофатидан. Албатта, ҳозир бутун дунё жамоатчилигининг нигоҳи Ўзбекистонга қаратилган. Мана шундай шукуҳли дамларда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, эришилаётган ютуқлар яна бир карра эътироф этилади. Бундан биз чексиз ғурурланамиз. Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари ва масканлари ҳақида сўз кетганда эса, шубҳасиз, истиқлол нуридан баҳра олиб, янгиланган "Пахтакор" марказий стадионининг ҳам алоҳида тилга олиниши ғуруримизга ғурур қўшади. Мен миллионлаб мухлисларга футбол завқини улашаётган шундай ажойиб стадионда фаолият кўрсатаётганимдан чексиз фахрланаман.

**Асқар ТОЛИБЖОНОВ,**
**«Пахтакор» футбол клуби бош директори ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий.**

***Бойсундаги 12-Меҳрибонлик уйида 113 нафар бола тарбияланмоқда. Ота-она деган сўз уларга шунчалар азизки...***

# МЕҲРДАН МУНАВВАР КЎНГИЛЛАР

Ҳовли одамга тўла эди. Қўли очиқ бир жамоанинг болаларга қишки кийим-бош улашиш тадбири тантанага айланиб турганди. "Чарм курткангиз ўзингга ярашибди. Пойабзалинг ҳам..." деган қутловлар. Бир томонда каттакон қозонда осилган паловхонтўранинг ҳовури. Бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчиларининг маҳорати. Хуллас, ҳаммада байрамона кайфият.

Бундай шодиёналар Меҳрибонлик уйида тез-тез бўлиб туради. Уй — обод. Ётоқхоналар — шинам. Ошхоналарда кунига икки маҳал иссиқ овқат, ширинлигу меваларни айтмайсизми... Ҳар тўртта болага биттадан тарбиячи. Кутубхона. Ўндан зиёд спорт тўгаралари. Хуллас, ҳамма нарса муҳайё.

Ғамхўрлик

Фақат, не афсуски, болаларнинг «Дадажоним, ойижоним», деб эркаланишларига кўнгиллари гирён.

Уй директори Муҳаммади Норқулов ўша куни Фарид исмли боланинг кўзларидан ўша гирёнликни илғаб эзилгандай бўлди. «Тобинг қочмадими, болам?» деб ундан кўнгил сўради. Бу сўровдан баттар таъсирланган Фарид ютинди. Ерга қаради. Тараддудланди. Сўнг овози алланечук товланиб, «Домлажон, сизни дада деб чақирсам майлими?» деди. Бир-бирларига беихтиёр термилиб қолдилар. Боланинг кўзларида ёш ўйнади. Эсини таниганидан буён, "Менинг ҳам отам, онам бордир. Ҳали бир куни улар мени йўқлаб келишар. Бағирларига олишар", деган интиқ хаёл билан яшаб келаётган Фарид ҳозир қаршисида турган одамнинг бўйнига "дадажоним" деб осилишга тайёрдай эди.

Муҳаммади Норқулов бу гал иккиланмади. Аввалроқдан кўнглига тугиб қўйган режаси пишиб етилганини ҳис қилди. Ўша оқшом Фаридни уйига — хонадонига олиб кетди. Фаридга қўшиб тарбияланувчилардан яна бештасига — Фарҳодга, Артур, Мурод, Иззатилла, Жуманазарга уйидан хона ажратди. Уй бекаси Зефира опа уларни бағрига босди. Фарзандлари тўртта эди. Бирданига олтитага кўпайди. Ўнта бўлди. Бунинг қувончидан ҳовли янада ёруғлашиб, кенгайиб кетгандай бўлди.

Шундай қилиб, бу тотувлик ва меҳрибонлик нурига йўғрилган хонадонга оилавий болалар уйи мақоми берилди.

Бугун хонадон соҳибларининг ўз фарзандлари хулқ-одобидан хурсандчилигини айтинг: бири чорвага қизиқади. Сигирга хашак ташлайди. Бузоғини етаклайди. Товуққа дон сочади. Яна бири кўкат ўстириб, кўчат-дарахтларни суғорса, иккинчиси сув ташиб, ошхонада кўмаклашади. Икки уй нарида яшовчи қарияларнинг ҳолидан хабарлашади. Уй бекасига Бойсунчасига қилиб, энажоним, энажоним деб суйкалишади.

Улар фақат бўш вақтлари жамулжам бўладилар. Китоб ўқийдилар. Ўқиганларини бир-бирларига ҳикоя қилиб берадилар. Меҳрибонлик уйининг ўзлари ўрганиб қолган спорт тўгаракларига қатнайдилар.

Зефира опага ҳаммасидан ҳам кўра уларнинг аъло баҳога ўқиши ёқади. Фарид билан Фарҳод, мана, бу йил умумтаълим мактабини битирди. Икковининг ҳам нияти битта — шифокор бўлиш.

— Бири Денов, иккинчиси Термиз тиббиёт касб-ҳунар коллежига кириш учун ҳужжатларини топширишди, — дейди Муҳаммади Норқулов.

Қолганларининг ҳам орзу-ниятлари зиёда. Артур дурадгорликка иштиёқманд. 8-синфга кўчган Муроднинг боғбонликка, Иззатилланинг компьютерга, ҳисоб-китобга ўқуви бор.

Суҳбатимиз сўнгида М. Норқулов бизга Меҳрибонлик уйидаги янгиликлардан гапирди: 70 та бола куни кеча ёзги дам олиш оромгоҳларидан қайтибди. Нуфузли бир маҳкама даргоҳга «FORLAND» русумли юк машинасини тортиқ этибди. "Бойсун тарихи" музейини очибдилар. Спорт хоналарига янги жиҳозлар киритибдилар.

Шу азиз юртни болалар отажоним-онажоним деб бошларига кўтариб эъзозлайдилар.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт

***Ўзбекистонлик боксчиларнинг нуфузли халқаро мусобақаларда қўлга киритаётган муваффақиятлари бугун барчамизни қувонтирмоқда. Уларнинг орасида Андижон вилояти вакиллари ҳам кўпчиликни ташкил этади.***

# АНДИЖОН БОКС МАКТАБИ

## *иқтидорли спортчиларни кашф этмоқда*

— Бокс оламида ўз ўрнига эга кубалик "чарм қўлқоп" усталари ҳам боксчиларимиз ҳақида гап кетгудай бўлса, анчайин сергак тортадиган бўлиб қолишди, — ғурурланишади андижонлик мухлислар.

— Буларнинг барчаси Истиқлол шарофати, муҳтарам Президентимизнинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, уни янги чўққиларга олиб чиқишга қаратаётган эътибори самарасидир, — дейди Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали директори Шавкат Омонуллаев. — Дунёга донғи кетган машҳур спортчиларимиз айнан Мустақиллик йилларида кашф этилди. Вилоятимиз миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, спортнинг сузиш, оғир атлетика, стол тенниси, белбоғли кураш, аёллар футболи турлари кейинги йилларда, айниқса, ривож топди. Хусусан, бокс бўйича эришилган натижалар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Қишлоқдан чиққан ўсмир Осиё ва жаҳон чемпионати, Олимпиада ўйинларида чемпионликка эришиб, Ватанига медаллар шодаси билан кириб келишини ким ўйлабди, дейсиз.

Ифтихор

Олимпиада ўйинлари чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев, жаҳон чемпиони Ўткирбек Ҳайдаров, Олимпиада ўйинлари совриндори Сергей Михайлов, жаҳон ва Осиё чемпионатлари пешқадамлари Тўлқин Турғунов, Иброҳим Ҳусанов, ака-ука Қувончбек ва Зиёвиддин Тайганбоевлар, Темур Сулаймонов, Ғайрат Аҳмедов, Мирзоҳид Жиянбеков Андижон бокс мактабининг илк қалдирғочларидир. Қаҳрамон Орзиқулов билан Қувончбек Тайганбоев профессионал бокс бўйича нуфузли йўналишларда "Олтин камар"ни қўлга киритдилар.

Эътибор ва самара. Бу икки тушунча Андижон бокс мактабида бир-бири билан уйғунлашиб кетган. Ёш боксчилардан тортиб машҳур спортчиларгача яратиб берилаётган шароит, кўрсатилаётган ғамхўрликларга жавобан ўз маҳоратларини ошириб, устозлар ишончини оқлаш ва ниҳоят, мутлақ ғалабани қўлга киритишга интилмоқдалар. Уларнинг аксарияти Андижон Олимпия захиралари спорт коллежида бокс бўйича маҳоратларини оширишган. Бу ерда ёш спортчилар учун барча шароитлар яратилган.

Спорт шуниси билан жозибалики, унда доим пешқадам бўлиб туриш мумкин эмас. Энг собитқадамлар ҳам бир муддат ортга чекинадилар. Улар ортидан эса яна янги номлар пайдо бўлади.

Андижондан етишиб чиққан иқтидорли боксчи Баҳодир Султоновнинг ютуқлари ҳам салмоқли. У ўсмирлар ўртасида икки бор жаҳон чемпиони, кейинчалик Осиё ва жаҳон чемпионати ғолиби бўлди. Яқинда Хитойда ташкил этилган Осиё чемпионатида ёш "чарм қўлқоп" устаси Санжар Раҳмонов 64 кг. вазн тоифасида олтин медални қўлга киритди. У ҳам Андижон Олимпия захиралари спорт коллежи битирувчисидир.

Коллеж талабаларидан Ботир Маҳмудов, Бунёд Машрабов жаҳон чемпионати кумуш ва бронза медаллари совриндоридирлар. Уфада бўлиб ўтган халқаро турнирда эса Шаҳриёр Исаков (51 кг.), Аҳрор Қурбонов (81 кг.) ғолиб чиқди. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, кейинги уч йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 6 та бокс ринги ва бошқа жиҳозлар келтирилди. Андижон шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 50-мактаб қошида ташкил этилган бокс мактаби, Бўз, Избоскан, Пахтаобод ҳамда Шаҳрихон туманларидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг ҳар бирига умумий баҳоси 14 миллион сўмликдан ортиқ бокс қопи, қўлқоп ва бошқа зарур жиҳозлар топширилди.

Шуниси муҳимки, мазкур коллежга ёш боксчилар етказиб беришда вилоятдаги деярли барча шаҳар ва қишлоқларда ишлаётган мураббийлар жонбозлик кўрсатишмоқда. Айниқса, Қўрғонтепа, Пахтаобод, Жалақудуқ, Избоскан, Андижон, Олтинкўл туманлари, Андижон, Асака, Қорасув, Хонобод, Шаҳрихон шаҳарларида боксни ривожлантириш бўйича жадал ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг саъй-ҳаракатлари билан вилоятнинг чекка жойларида спорт мажмуаларининг барпо этилиши ва уларнинг замонавий спорт анжомлари билан таъминланиши айни муддао бўлаётир.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**Тўлқин СИДДИҚОВ.**

1st ASIAN MARTIAL ARTS GAMES
BANGKOK 2009



***Таиланд пойтахти Бангкокда яккакураш спорт турлари бўйича давом этаётган I Осиё ўйинлари қизғин паллага кирди.***

## Осиё ўйинлари:

# ВАКИЛЛАРИМИЗ ЯРИМ ФИНАЛДА

Хабарингиз бор, мазкур нуфузли мусобақа дастурига миллий спортимиз — кураш ҳам киритилган. Кураш бўйича расмий мусобақалар 6 августдан бошланади. Кеча Осиё ўйинларида қатнашадиган полвонларимизни Бангкокка тантанали кузатиш маросими бўлди. Унда таъкидланганидек, бундан ўн бир йил муқаддам Президентимиз раҳнамолигида халқаро спорт тури сифатида дунёга чиққан кураш жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда жаҳоннинг юздан ортиқ давлатида кураш федерациялари фаолият кўрсатаётганлиги ҳам миллий спортимизнинг келажаги порлоқ эканлигини намоён этмоқда. Мусобақада Муқаддас Кўбаева, Гулмира Исматова, Ўктам Эргашев, Олим Равшанов, Ҳамро Примқулов ва Шерали Жўраев сингари турли халқаро турнирларда совриндор бўлган курашчилар юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

— Курашимизнинг яккакураш спорт турлари бўйича Осиё ўйинлари қаторидан жой олганлиги барчамизни ғурурлантириб юборди, — дейди жаҳон чемпиони Олим Равшанов. — Бу, ўз навбатида, бизнинг олдимиздаги масъулиятни янада оширади. Шу сабабли мусобақага жиддий ҳозирлик кўрдик. Насиб қилса, беллашувда муносиб иштирок этиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтарамиз.

Энди бевосита 4 август куни бўлиб ўтган мусобақаларда спортчиларимизнинг иштирокига тўхталсак. Шу куни вакилларимиз жиу-житсу, кикбоксинг, пенчак-силат ва таэквондо (ВТФ) бўйича беллашувларда ўз маҳоратларини синовдан ўтказдилар.

Жумладан, кикбоксингнинг фул-контакт йўналишида қатнашаётган ҳамюртимиз Алишер Абдуллаев (75 кг.) чорак финалда қувайтлик Муҳаммад ал-Қаллафни мағлубиятга учратиб, ярим финал йўлланмасини қўлга киритди. Лоу-кик йўналишида иштирок этган Шерзод Қодиров (57 кг.) иорданиялик Моавий Абдуҳамидга ютқазиб қўйди.

Муайтайчиларимиздан Фирдавсий Холмуротов (60 кг.) чорак финалда япониялик Масаюки Учидани 5:0 ҳисобида енгиб, медаллар учун курашни давом эттирмоқда. Мавлонбек Қаххоров (67 кг.) эса чорак финалда қувайтлик муайтайчи Али Тареш баҳсдан бош тортгани учун тўғридан-тўғри ярим финалга йўл олди.

Пенчак-силат бўйича мусобақаларда юртдошларимиз Жамолиддин Салимжонов (55 кг.) ва Бахтиёр Норов (65 кг.) чорак финалда рақибларига имкониятни бой беришди. Шунингдек, кеча таэквондочимиз Жасур Бойқўзиев (78 кг.) ҳам худди шу босқичда хитойлик Чан Люга ютқазиб қўйди.

Эслатиб ўтамиз, ҳозирча Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 2 та кумуш ва 4 та бронза медали билан норасмий умумжамоа ҳисобида қирқдан ортиқ мамлакат спортчилари орасида тўққизинчи ўринда боришмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

# «Эргинамнинг орзуси»



***Ю. Шакаржонов номидаги Фарғона вилояти драма ва комедия театрида драматург Санжарали Имомовнинг "Эргинамнинг орзуси" асари саҳналаштирилди.***

Театр

Садоқат, вафо ва инсонийлик сингари азалий қадриятлар улуғланган спектаклда театрнинг таниқли актёрлари Саодат Мирзаева, Адҳам Қирғизбоев, Анвар Исоқов ролларни маромига етказиб ижро этишган.

Театр бош режиссёри Муҳаммадсоли Юсупов томонидан саҳналаштирилган мазкур асар рақслар, қўшиқлар ва лапарларга бойлиги билан томошабинлар эътиборини тортади.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Саҳнада халқ ижодиёти жамоалари

***Наманганда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ўлан ва лапар ижрочилари кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

Танлов

Унда иштирок этган жамоалар халқ қўшиқлари, ҳазил-мутойибага йўғрилган ўйин ва айтишувларни мароқ билан ижро этишди. Танлов якунига кўра, Косонсой тумани жамоаси биринчи, янгиқўрғонлик ва уйчиликлар совринли ўринларни қўлга киритишди. Эндиликда улар танловнинг Самарқандда ўтадиган республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қиладилар.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОБ-ҲАВО (5 август)



**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 19-24, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 19-24, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 19-24, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 20-22, кундузи 33-35 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 35388 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.25 Топширилди — 23.30 1 2 4 5